

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Михридинова М.Т.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Методик қўлланма

Тошкент 2009

Тузувчи: М.Т.Михридинова. «Касбий таълим методлари». /ТАТУ. 27 б. Тошкент, 2009

Замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўлларини кўра билиши лозим. Бундай талаблар даражасидаги мутахассисни тарбиялаш учун касбий таълимни амалга оширишнинг самарали шакллари, фаол методлари ҳамда замонавий воситалари мажмуасини ишлаб чиқиш ва илмий-методик жиҳатдан асослаш лозим бўлади.

Мазкур қўлланманинг мақсади бўлғуси педагогларни касб-хунар коллежларида ўқувчиларга назарий ва амалий таълим беришда қўлланиладиган касбий таълим методлари билан таништириш ва турли вазиятларда у ёки бу методни тўғри танлаш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Тақризчи:

Низомий номидаги Тошкент Давлат

педагогика университети,

«Касбий таълим методикаси»

кафедраси мудири, п.ф.н., доц.

Ш.С.Шарипов

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети, 2009

## КИРИШ

«Ўқитувчи ҳар доим беихтиёр ўзи учун энг қулай

бўлган ўқитиш методини танлашга интилади.

Ўқитиш усули педагог учун қанчалик қулай бўлса,

у талабалар учун шунчалик нокулай бўлади.

Фақатгина ўрганувчилар ёқлайдиган ўқитиш

тури тўғридир».

Л. Н. Толстой

Касбий таълим ўқитувчиларининг иш тажрибаси ва илм-фан томонидан методларнинг катта туркуми йиғилган. Улар ўқишининг ижобий мотивларини шакллантиришга, ўрганиш фаоллигини уйғотишга, талабаларнинг бой ўқув ахборотига эга бўлишларига маҳсус йўналтирилгандир.

Бироқ педагогик фаолиятнинг муваффақиятли бўлиши учун ўрганишни фаоллаштирувчи методлар мажмуасидан фойдаланиш зарур бўлади. Улар қуйидагилар: рағбатлантириш, назорат, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзини баҳолаш. Ўқитиши методларнинг ўзига хос хусусияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятида билим, уқув ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ушбу қўлланмада келтирилган методлар бирикмаси нисбатан яхлитдир, чунки улар ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини активлаштиришнинг барча структуравий асосий элементларини (уни ташкил қилиш, рағбатлантириш ва назорат қилиш) ҳисобга олади. Унда билиш фаолиятининг қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш каби жиҳатлари бир бутун акс эттирилган.

Методларнинг хилма-хиллиги педагогларни танлаш вазиятига қўяди. Муайян ўқитиши шароитларида қандай метод ва унинг бошқа метод ва усуслар билан бирикмасини қўллаш керак? Бу нимага боғлиқ? Ушбу саволларга мазкур қўлланмада жавоб топасиз.

Қўлланма техник олий ўқув юртларининг «Касб таълими» йўналиши талабалари, педагоглари ва ўрта маҳсус касб-ҳунар таълими ўқитувчилари учун мўлжалланган.

## Касбий таълим методлари

Метод грекча сўз бўлиб усул, бирор нарсага йўл деган маънони билдиради. Ўқитиши методлари – бу педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолият усуслари бўлиб, улар ёрдамида ўқув-тарбиявий мақсадларга эришилади, назарий ва амалий билимлар, уқув ва кўникмалар шаклланади, билиш қобилияtlари ривожланади, дунёқарашиб юзага келади. Мавжуд касбий таълим методларини шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: репродуктив ва продуктив. Бу методларни тўлиқроқ тавсифлаш мақсадида қуйидаги элементлардан иборат бўлган моделдан фойдаланамиз:

- ўқитувчи мақсади, унинг фаолияти, воситалари;
- талаба мақсади, фаолияти, воситалари;
- шахсни ўзгартириш механизми;
- ўқитиши натижаси.

Репродуктив методлар. Улар икки гурухга бўлинади: информацион-рецептив ва инструктив-репродуктив.

Информацион-рецептив методлардан фойдаланган педагог ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди: ўрганилаётган ўқув материали тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш. Унинг фаолияти эса кўргазмалилик, тизимлилик ва кетма-кетлик тамойилларига риоя қилган ҳолда тайёр ахборотни қабул қилишни ташкиллаштиришдан иборат бўлади. Бу фаолият учун эса макетлар, моделлар, плакатлар, схемалар, жадваллар, дарсликлар, кинофильмлар, диафильмлар каби воситалар зарур бўлади.

Талабанинг мақсади – билимларни бошланғич эгаллаш, унинг фаолияти эса қабул қилинган ахборотни англаш ва ёдда сақлаб қолишдан иборат бўлади. Восита сифатида маърузадаги ёзувлари, конспектлар, тезислар, дарсликлар, ўкув қўлланмалар ва ҳ.к.лар хизмат қиласди.

Шахсни ўзгартириш механизми унда аниқ йўналишнинг мавжудлигида намоён бўлади.

Информацион-рецептив методлардан фойдаланиш натижасида талабаларда уларнинг кейинги фаолияти йўналишини аниқлаб берадиган билимлар доираси ва дунё тўғрисидаги тасаввур шаклланади.

Инструктив-репродуктив методлар доирасида ўқитувчининг мақсади ўқувчиларда репродуктив характердаги фаолиятга асосланган уқув ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Педагогнинг ўргатиш фаолияти эса талабага бирорта фаолиятни бажариш усули тўғрисида кўрсатма беришдан иборат бўлади. Воситалар сифатида эса ёзма кўрсатмалар, алгоритмик жадваллар, фаолият намуналари хизмат қилиши мумкин.

Талабанинг мақсади – алоҳида амалларни эгаллаб, бирорта фаолият турини бажара олишdir. Унинг фаолияти эса билиш характерида бўлиб, фаолият намуналарини, маълум кўринишдаги амалларни бажаришдан иборат.

Кўп марта такрорлаш натижасида талабаларнинг фаолият усулларини бажариш тажрибаси ўқув ва малакаларга айланиб боради. Бунда восита сифатида қабул қилиш учун мўлжалланган турли хилдаги вазифалар хизмат қиласди.

Шахснинг ўзгариши унинг фаолиятга тайёрлигида намоён бўлади.

Ўқитиши натижаси талабалар томонидан мавжуд бўлган маданиятни қабул қилишни таъминлайдиган турли хилдаги фаолият усулларини эгаллашдан иборат бўлади.

Шундай қилиб, репродуктив методларнинг етакчи, устивор функцияси – бу ўқитиши функциясидир, ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялар улар негизида ҳосил қилинади.

Продуктив методлар. Продуктив методлардан фойдаланилганда педагог ва талабанинг мақсади ўзгаради.

Педагог ўз олдига талабаларнинг билиш қобилиятларини, қасбий қизиқиши ва дунёқарашини, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш мақсадини қўяди. Маълумки ижодий фаолият тажрибаси муаммо ва муаммоли вазифаларни ечиш жараёнида ўзлаштирилади, шунинг учун педагогнинг фаолияти муаммоли вазиятларни ташкил қилишдан иборат бўлади. Бу талабаларнинг уч босқичдан иборат бўлган психик ҳолатида ўз аксини топади: қарама-қаршиликларни англаш, уларни қийинчилик сифатида қабул қилиш, уларни ечиш истаги. Ўқитишининг бу методини самарали ташкил қилишда педагогга муаммоли матнлар, битта предметга турли нуқтаи назарларни ифодаловчи қўшимча адабиётлар, у ёки бу фанда мавжуд бўлган парадокслар, реал ҳаётга мурожаат қилиш ва уни илмий далиллар, муаммоли тажрибалар билан таққослаш ва ҳ.к. воситалар ёрдам беради.

Талабанинг мақсади илмий тадқиқотга мос келадиган фаол ижодий тафаккурдан иборат бўлади (муаммо, гипотеза, исбот, холосалар).

Ўқитиши воситалари педагог воситалари билан қисман ёки тўлиқ мос тушади.

Шахс томонидан ўзлаштирилган ижодий фаолият тажрибаси уни жамиятдаги ижодий ўзгаришларда қатнашишга тайёрлайди. Шахсдаги сифат ўзгаришлар худди шунда намоён бўлади. Ўқитиш натижаси талабаларда ижодий фикрлаш структурасининг мавжудлигидан иборат бўлади.

Шундай қилиб, продуктив методлар доирасида билимлар талабаларни ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади, яъни унинг етакчи функцияси ривожлантирувчи функциядан иборат бўлади.

Методларни батафсил кўриб чиқамиз.  
Ўқитишнинг репродуктив методлари

Информацион-рецептив методлар. Хабар-баён – бу педагогнинг вақт бўйича узоқ бўлмаган оғзаки бадиий-тавсифий монологи бўлиб, унинг асосида ўқув материали мазмуни элементи ётади. Кўпинча бу метод далилий материалларни ўрганишда қўлланилади, уни тадбиқ этишнинг етакчи шакли ҳикоя хисобланади. Ўқув фаолиятда хабар-баённинг қуйидаги кўринишларидан фойдаланилади: баён-кириш, мавзу баёни, баён-хулоса. Баён-киришнинг асосий мақсади – тингловчиларни янги материални қабул қилишга тайёрлаш. Бунда ўрганилган билимларни фаоллаштириш, навбатдаги фаолиятнинг мақсадини аниқлаш, мотивацияни вужудга келтириш каби усуллардан фойдаланилади.

Мавзу баёни мавзунинг мазмунини тўлиқ очиб беради, бунда педагог қатъий мантиқка, режага, баён қилиш кетама-кетлигига риоя қилади, муҳим тушунчаларни ажратиш, иллюстрация, ишончли мисол каби усуллардан фойдаланади. Баён-хулосанинг мақсади машғулотга якун ясашдан иборат бўлиб, унда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: асосий фикрни ажратиш, ўрганилганларни умумлаштириш, мавзу бўйича хулосалар чиқариш ва талабаларнинг ишларини баҳолаш, навбатдаги мустақил ишларни ташкил этиш. Мантиқка асосан хабар-баён методи дедуктив ёки индуктив характерга эга бўлиши мумкин. Бу методдан турли ёшдаги гурӯҳлар билан ишлашда фойдаланиш мумкин.

Тушунтирув-кўргазмали баён – бу педагогнинг давомли оғзаки монологи бўлиб, унинг асосида информатив билиш ҳажмига, юқори даражадаги мураккаб мантиқий тузилишга эга бўлган, образлар, исботлар ва умумлашмалар билан характерланадиган ўқув материали мазмуни ётади. Бундай баённинг мантиқий маркази илмий тафаккур соҳасига тегишли бўлган бирор назарияни умумлаштиришдан иборат бўлади. Бу ердаги аниқ далиллар иллюстрация ёки бошлангич ҳолатлар бўлиб хизмат қилади. Агар педагог режани мукаммал тузиб, материални кетма-кет ва қатъий мантиқка асосан режа бўйича баён қилса, ҳар бир бўлимдан сўнг оралиқ хулосалар чиқарса ва умумлаштирса, бир бўлимдан бошқасига ўтишда мантиқий боғлашлар, янги сўзларни ажратиш, кўргазмалилик тамойилларига риоя қилса, баён шунчалик самарали бўлади. Санаб чиқилганларнинг ҳаммаси бу методнинг усуллари хисобланади. Методнинг асосий хусусияти талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришдан иборат (асосий фикрларни ёзиб бориш, конспект ёзиш, жадвал ва схемалар тузиш, баён қилинаётган материални моделлаштириш ва х.к.).

Тушунтирув-кургазмали баён мантиқка кўра дедуктив ёки индуктив турда бўлиши мумкин. Метод тушунтирув-кургазмали маъруза шаклида амалга оширилади.

Образли-ассоциатив баён асосида кўргазмалилик тамойили ётади. Образли-ассоциатив баён – бу педагогнинг оғзаки монологи бўлиб, талабаларга ўқув материалининг образли-ассоциатив кўриниши тақдим қилинади. Бу ахборотни қабул қилиш ва ёдда сақлаб қолишга, ақлий фаолиятни фаоллаштиришда толикишнинг олдини олишга ёрдам беради. Образли-ассоциатив

конструкциянинг асосий элементи таянч сигнал ҳисобланади. Таянч-сигнал бирлик ассоциатив образ бўлиб, у бирорта маънога эга бўлган гапнинг ўрнини босади, у хотирада олдиндан маълум бўлган ва тушуниб олинган ахборотни зудлик билан тиклаш имконини беради. Сўзларни ассоциатив образга айлантириш учун педагог ривожланган образли тафаккурга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, бир қатор шунга ўхшаш алмаштириш усуллари мавжуд: иероглифлар, рамзлар, пиктограммалар, гротескли шакллар, ранглар, график дизайнер, сўз брикмалари ва образлар.

Иероглиф-сўзни бидиравчи белги, масалан, N – инкор, → - келиб чиқади ва ҳ.к. Квантор – сўзларнинг ағдарилган биринчи ҳарфи (Масалан, existence – мавжуд бўлмоқ, Е нинг \$ ағдарилгани билан белгиланади). Рамз - ғоялар, билимлар йифиндисини тасвириловчи усул (герблар, турли ташкилотларнинг белгилари ва ҳ.к.). Пиктограмма – бу иероглифга яқин бўлган расм. Гротеск – эсда қоладиган образ хосил қилиш учун бирор нарсани жуда бўрттириб, кучайтириб кўрсатиш. Образли-ассоциатив баён кўпинча маъруза-визуализация шаклида амалга оширилади.

Намойиш ва кўргазмали методлар. Намойиш методлари жараён, ҳодисаларни приборлар, тажрибалар, техник ва тажрибавий қурилмалар, ўқув кино ҳамда моделлар, прибор ва қурилмаларнинг ўзи ёрдамида кўрсатишни кўзда тутади.

Кўргазмали метод одатда плакатлар, жадваллар, схемалар, расмлар, доскадаги ёзувлар ёки кўргазмали материални ёрдамчи воситалар (кодоскоп, ўқув киноси, видеомагнитафон, телевидение ва ҳ.к.) дан кўрсатиш билан боғлиқ. Улар ҳар доим бошқа методлар билан биргалиқда ишлатилади. Намойиш ва кургazmali методларнинг усуллари қуйидагилардан иборат: уларни вербал методлар билан бирга қўшиб олиб бориш, шарҳлай олиш, кузатиш мантиғи, энг муҳимини ажратиш, тушунтиришнинг аниқлиги. Фойдаланиш методикаси уч босқичдан иборат: 1) кузатишга тайёргарлик, 2) бевосита кузатиш, 3) кузатиш натижаларини таҳлил қилиш.

Информатив матнларни ўқиши. Методнинг моҳияти янги билимларни китоб (матн) билан мустақил ишлаш асосида олиш, шундай иш уқув ва кўникмаларини эгаллашдан иборат. Матн билан мустақил ишлаш уқув ва кўникмалари узлуксиз таълимнинг мажбурий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу метод энг муҳим методлар қаторига киради. Методдан фойдаланишга кўра уни икки турга бўлиш мумкин: 1) ўқитувчи раҳбарлиги остида ўқилган матн қисмларини қадамба-қадам тушуниб бориш; 2) матнни тўлиқ ўзлаштириш учун талабанинг мустақил ишлаши. Бу методни самарали қўллаш уни тўғри ташкил этишдан иборат бўлиб, бунга қуйидагича эришилади:

- машғулотда информатив матнларни ўқиши жойи ва вақтини белгилаш;
- матнни шундай танлаш керакки, уни педагогнинг ёрдамисиз ўзлаштириш мумкин бўлсин;
- талабаларга ўқиши бўйича кўрсатмалар бериш ва вазифаларни аниқлаштириш;
- вазифаларни бажариш жараённида баъзи талабаларнинг фаолиятни тўғрилаш;
- бажарилган ишни жамоавий таҳлил қилиш.

Бу методда қўп қўлланиладиган усуллар қуйидагилар: асосий фикрни ажратиш, уни аввал ўрганилганлар билан таққослаш, режа, тезислар тузиш, бир сўз ёки гап асосида ўқилганларни умумлаштириш, конспект ёзиш, матнли ахборотни кўргазмали образга кодлаш, савол-жавоблар, маълум қисмлар учун вазифалар бериш, схема ва жадвалларни тўлдириш, матнга ўхшаш бўлган

шахсий мисоллар келтириш. Информатив матнларни ўқиши методи дарсликлар билан мустақил ишлеш шаклида амалга оширилади.

Ўқитишнинг инструктив - репродуктив методлари. Машқ - фаолиятни ташкил қилиш методи бўлиб, у бирор фаолиятни кўп марта тақрорлашдан иборат бўлади. Бунинг натижасида уқув ва кўнижмалар шаклланади ёки такомиллашади. Машқнинг қуйидаги турлари мавжуд: жамоавий ва индивидуал, оғзаки ва ёзма, намуна бўйича ёки ўзгарувчан машқлар. Машқларни ташкил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- мотивацияни ташкил қилиш (бу фаолият ёки операция нима учун керак);
- назарий билимларни фаоллаштириш, фаолият бўйича кўрсатмалар бериш ва намунани кўрсатиш (машқни қандай қилиб тўғри бажариш);
- шарҳлаб бажариладиган фаолият (фикрлашни намойиш қилиш);
- харакатни мустақил бажариш ва натижани намуна билан ёки назарий билимлар билан таққослаш.

Машқ методи машқ характеридаги мустақил иш шаклида амалга оширилади.

Типик ишлаб чиқариш вазиятлари методи. Мутахасисилар тайёрлашда асосий касбий уқувларни типик ишлаб чиқариш вазиятлари шароитида шакллантириш самаралироқ бўлади. Типик ишлаб чиқариш вазиятлари мутахассиснинг касбий фаолият обьектлари - материаллар, жиҳозлар, машиналар, приборлар, қурилмалар, хужжатлар ҳамда субъектлар (бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари ва х.к.) билан ўзаро таъсирида содир бўлади ва репродуктив характеристерга эга бўлади. Ишлаб чиқариш вазиятлари моделлаштирилган бўлиши ёки реал жараённи акслантириши мумкин. Шунинг учун типик ишлаб чиқариш вазиятларини икки турга ажратишиди: ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш. Ўқув-ишлаб чиқариш вазиятларига боланғич технологик жараёнларни ажратиш; технологик жараёнлар, операциялар, усувлар, амалларнинг моделларини аниқлаш; типик конструкциялар, приборлар, машиналар, жиҳозларни сочиб-йиғиш вазиятлари киради. Ишлаб чиқариш вазиятлари эса бошқарув, диагностик, ташкилий, эксплуатацион, таъмирлаш ва х.к. ларни ўз ичига олади.

Типик ишлаб чиқариш вазиятлари методини қўллаш ишлаб чиқариш масаласи шаклида амалга оширилади. Масала ечиш дейилганда ишлаб чиқариш технологик жараённи ишлаб чиқиши, маҳсус қурилма, машина, приборларни ўрнатиш, операторлик ишини бажариш, психологик-педагогик процедуралар тизимини бажариш кўзда тутилади.

Типик ишлаб чиқариш вазиятлари методини тадбиқ қилиш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

юз берган вазият шароитларини қисмларга бўлиш;

вазият турини аниқлаш;

ишлаб чиқариш масаласини тузиш;

мос билимларни фаоллаштириш ёки берилган ишлаб чиқариш масаласига мос бўлган алгоритм, инструктаж, ечиш намунасини топиш;

билим, алгоритм, намунани конкрет масалага қўчириш.

Инструктаж. Ушбу метод талабаларга қуидагиларни тушунтириш учун қўлланилади:

маълум амалларнинг вазифасини;  
уларни амалга ошириш усулларини;

амалий масалаларни ечиш шароитларини;

у ёки бу уқувни ҳосил қиласиган операциялар кетма-кетлигини;  
типик вазиятлар характеристикалари ва улардан фойдаланиш, амалда қўллаш ва ҳ.к.ларни.

Инструктаж асосини ишни бажариш учун олинадиган мўлжал ташкил қиласи. У турли кўринишларда бўлиши мумкин: вазифа, тушунтирувларни тақдим қилиш, ҳаракат намунасини кўрсатиш, йўл-йўриқлар бериш, қоида ёки қонунлар билан таништириш ва ҳ.к. Ҳар қандай инструктаж учун бир қийматлилик, уни турлича талқин қилиш имкониятини чеклайдиган аниқлик, талабаларни маълум шароитлар ва ҳар бир конкрет вазиятларда аниқ ва хатосиз танлов ва тўғри амаллардан фойдаланишга, фаолият усулларини бажаришда катъий кетма-кетлик ва мантиққа риоя қилишга йўналтириш. Фақат шундагина инструктаж ўқитиш методи сифатида максимал самара беради.

Ўқув жараёнидаги ўрнига кўра инструктаж уч хил бўлиши мумкин: 1) кириш, ёки йўл-йўриқ кўрсатадиган; 2) параллел, ёки жорий; 3) якуний.

Кириш инструктажи қуидаги усуллардан ташкил топади: талабаларга бажариладиган ишнинг мазмуни, методлари, воситалари ва педагогик ўзаро таъсир шакллари, техник хужжатларнинг мазмуни ва олинадиган натижага, меҳнат маҳсулига талаблар; ишни тўлиғича ва алоҳида амаллари, усуллари, операцияларини бажариш қоида ва кетма-кетлигини тушунтириш; юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлар, хатолар, меҳнат хавфсизлиги шароитлари тўғрисида огоҳлантириш. Шундай қилиб, йўлловчи (ёки кириш) инструктаж талабаларнинг ишини тўлиқ белгилаб беради.

Параллел (ёки жорий) инструктаж хусусий амалларни, тўлиқ ҳажмда бутун ишни ташкил қиласидиган ҳар бир масалани ташкил қилишга ёрдам беради ва қуидаги усулларни ўз ичига олади: паст ўзлаштирувчи талабалар ишига тузатиш киритиш, ҳар бир талаба ва бутун гурӯҳ ишини кузатиш, иш турларини бажаришда ва меҳнат натижаларида мустақиллик даражасини ўрнатиш. Параллел (ёки жорий) инструктаж кўпинча индивидуал, кириш ва якуний эса гурӯхли характеристерга эга бўлади.

Якун ясашга йўналтирилган якуний инструктаж қуидаги усуллардан ташкил топади: жамоавий ва индивидуал меҳнатни, ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятининг мустақиллик даражасини баҳолаш, меҳнат усулларини бажаришдаги ва касбий муҳим сифатлар, укувлар, ҳулқнинг аҳлоқий-маънавий меъёрлари шаклланганлигидаги индивидуал камчиликларни аниқлаш, баҳоларни эълон қилиш, ақлий ривожланиш ва тарбиядаги ютуқларни қайд қилиш.

Шаклига кўра инструктажлар оғзаки, ёзма, кўргазмали, ва аралаш бўлиши мумкин. Энг катта самарадорлик ёзма кўрсатмалар берилганда таъминланади. Уни қўллаш турли хилдаги инструктив, ишлаб чиқариш, ўқув-ишлаб чиқариш ва ўқув-методик хужжатлардан (инструкцион, технологик, инструкцион-технологик ва операцион карталар, алгоритмлар, рецептлар, қоидалар) фойдаланиш билан боғлик.

Инструкцион карталар талабалар томонидан типик кетма-кетликни очиб берадиган ўқув усуллар, амаллар, операцияларни ўзлаштириш, ўзлаштирилаётган процедураларни бажариш усуллари ва воситалари, мустақил назорат қилиш жараёнида кўрсатма беришда қўлланилади.

Технологик ва инструкцион-технологик карталар комплекс характердаги ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда қўлланилади. Улар ўз ичига технологик кетма-кетликдан ташқари комплекс ишларни бажаришга оид техник талаблар, режимлар, воситалар, ишларни бажариш қоидалари тўғрисидаги инструктив тушунтиришларни олади.

Операцион карталар ва алгоритмлардан мураккаб қурилмаларга хизмат кўрсатиш, ўрнатиш, носозликларни аниқлаш, созлаш жараёнида фойдаланилади. Улар турли ишлаб чиқариш фаолиятларида ишларни бажариш қоидалари ва ишлаб чиқариш кўрсатмаларини ўз ичига олади. Ҳар бир талабанинг ишчи столида таянч материал сифатида бўладиган ёзма кўрсатмалардан фойдаланиш яхши самара беради.

Репродуктив мулоқот. Бу билиш фаолиятини ташкил қилишнинг савол-жавоб усулидир. Методнинг энг муҳим хусусияти саволлар бўлиб, улар асосий, қўшимча, ёки йўналтирувчи бўлиши мумкин. Шунинг учун методнинг самарали бўлиши яхши ўйланган саволлар тизимиға боғлиқ бўлиб, унинг мақсади талабаларни далиллар занжири, янги тушунчалар, қонуниятлар ва ҳ.к.ларни ўзлаштиришга олиб боришидир. Репродуктив мулоқотни ташкил қилиш методикаси қўйидаги усулларни тадбиқ қилишга келтирилади:

асосийни аниқлашга йўналтирилган саволлар (асосий саволлар), етарлича тўлиқ ва тўғри жавобни топишга ёрдам бериш (қўшимча саволлар), фикрларни зарур йўналишга буриш (наводяший саволлар);

жавобларни муҳокама қилиш;

жавобларни таҳтирилаш;

сухбатдан холосалар ясаш.

Репродуктив мулоқотдан мустақил метод ёки машқ методининг таркибий қисми сифатида фойдаланиш мумкин.

Лаборатория-амалий метод. Унинг мақсади назарияда олинган билимларни амалда қўллашни ташкил этиш, техник тизимлар, приборлар, препаратлар, техник восита ва ҳ.к. лар билан ишлаш бўйича кўникумга ва укувларни шакллантиришдан иборат. Лаборатория амалиёти репродуктив характерга эга, чунки талабалар ишнинг мақсадини, уни бажариш тартибини ва охириги натижани яққол тасаввур қила олишади. Одатда лаборатория иши мавзу ўрганиб бўлингандан сўнг ўтказилади. У индивидуал, фронтал, гурухлар бўйича бўлиши мумкин. Лаборатория иши қўйидаги босқичларда ўтказилади: назарий тайёргарлик, ишни бажариш бўйича кўрсатма бериш, тайёргарликни текшириш, ишни бажариш, натижаларни қайта ишлаш ва тажриба мақсади билан солиштириш, бажарилган иш бўйича ёзма ёки оғзаки ҳисобот тайёрлаш. Лаборатория ишини бажариш бўйича кўрсатмалар инструкцион карталар, алгоритмлар, ёзма ёки аралаш шаклда бўлиши мумкин. Лаборатория ишини бажариш бўйича ёзма кўрсатмалар қўйидаги структурага эга бўлиши мумкин: мақсад, назарий маълумотлар, шу турдаги тажрибаларни бажаришнинг умумий алгоритми, алгоритмни қўллаш бўйича кўрсатмалар, фойдаланиш учун мисол ёки намуна, ҳисобот тайёрлаш бўйича методик кўрсатмалар, лаборатория ишини баҳолаш мезонлари ва ҳ.к.

Ўқитишининг продуктив методлари

Муаммоли баён методи - бу ўқитувчининг оғзаки монологи бўлиб, у муаммоли вазиятлар ва уларни ечиш бўйича таклифлар киритиш йўли билан талабаларда продуктив фикрлаш фаолиятини шакллантиради. Бунда педагогнинг ўзи талабалар олдига муаммо қўяди, муаммоли вазият ҳосил қиласди, ўзи исботлайди, текширади ва хулоса чиқаради. Муаммоли баённинг тушунтирув-кўргазмалидан фарқи продуктив фикрлаш фаолияти, фикрий жараёнларнинг фаоллигидадир, чунки саводли қурилган муаммоли баён ўрганувчиларга янги билимларни тайёр холда бермайди, балки уларни олишга туртки беради, талабаларга ўз фикрларини педагог муроҳазалари билан солишишиб, ундан олдин юришга имкон беради. Муаммоли баён ўқитишининг учта ажралмас мақсадини амалга оширадиган ажойиб усулдир. У билимларни сифатли ўзлаштиришга имкон беради, назарий фикрлашни ривожлантиради, билишга бўлган қизиқишлиарни ва касбий мотивацияни шакллантиради. Муаммоли муроқот – ўз моҳиятига кўра аудитория билан ички муроқотдир. А.А.Вербицкий кўрсатиб ўтганидек, ўқитувчининг ўрганувчилар билан ички муроқот ўрнатиши қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандигина юз беради:

ўқитувчи - қонун яратувчи эмас, балки ўзининг шахсий билимлари билан ўртоқлашувчи ҳамсуҳбат;

педагог талабанинг ўз шахсий фикрига эга бўлиш ҳуқуқини тан олади ва ундан манфаатдор бўлади;

янги билим нафақат педагог, олим ёки китоб муаллифи авторитетига кўра, балки унинг тўғрилигини исботловчи муроҳазалар тизими кучига кўра ҳам ҳақиқат бўлиб кўринади;

турли нуқтаи назарларни муҳокама қилиш, фанни ривожлантириш мантигини яратиш;

ўқитувчи муаммони илгари суради, муаммоли саволни қўяди ва уларга ўзи жавоб беради, натижада талабаларда микроинсайтлар (микроуфқлар) пайдо бўлади.

Булардан келиб чиқиб муаммоли баённинг қуйидаги усулларини келтириш мумкин:

педагог томонидан муҳокама қилинаётган муаммони ечиш йўлида учраган муваффакиятсизликларнинг сабаб ва характерларини очиш;

ўқитувчи томонидан нотўғри фаразларнинг мумкин бўлган оқибатларини таҳлил қилиш, баён қилинаётган материални мазмунан ривожланувчи лаҳзаларга ажратиш;

талабалар диққатини масалаларни ечиш жараёнида пайдо бўладиган зиддиятлар кетма-кетлигига қаратиш;

тушунмовчилик ва қарама-қаршиликларни конкрет вазиятда тавсифлаш; қарама-қаршиликларни шахслантирилган ҳолда тавсифлаш;

тушунмовчиликни савол тарихига таяниб тавсифлаш ва ҳ.к.

Муаммоли баён методи муаммоли маъруза шаклида амалга оширилади.

Муроқотли баён методи - бу битта фандан дарс берувчи иккита мутахассиснинг оғзаки муроқоти бўлиб, унда у ёки бу назарий саволни унга турлича қарашларга эга бўлган назариётчи ва амалиётчи, касбий мактаб ва йўналишлар вакиллари ўз позицияларидан муҳокама қилганларида реал профессионал вазият моделлаштирилади. Бу ҳақиқий муроқот ёки унинг ўкув имитацияси бўлиши мумкин.

Ушбу методнинг самарадорлиги ўрганувчиларда ўзлаштиришнинг асоси блган эътиқодларнинг шаклланишида намоён блади. Чунки у тингловчиларни жараёнга фаол киришишга мажбур қилади; таққослаш, оппонентга фикран саволлар бериш, танлаш, у ёки бу нуқтаи назарга қўшилиш, муҳокама қилинаётган муаммога ўз позициясини, муносабатини шакллантириш, сабрсизлик билан жавоб ва янги саволни ёки аргументни кутади. Сўзиз, бунда ўқитувчилар баҳлашиб маданиятига, оппонент мулоҳазаларида ижобийларини топиш уқувларига, бошқа позицияга хотиржам ва дўстона қарши туриш, юқори даражадаги фикрлаш ҳамда ҳулқий фаолликни намойиш қилишлари керак. Шундай қилиб, мулоқотли баён методи қуидаги усувлардан иборат бўлади: қарама-қарши нуқтаи назарларни аниқ тезис ҳолида тақдим қилиш; аргументация ва контрапрограммация; қатъий мантиқ, исботлаш мумкинлиги, у ёки бу нуқтаи назарни тасдиқловчи мисоллардан фойдаланиш; оппонентга муаммоли саволлар қўйиш; консенсус излаш, агар мумкин бўлса ягона умумий фикрни ишлаб чиқиши. Равшанки, ушбу методни машғулотларда қўллаш ўқитувчилардан юқори касбий маҳорат, интеллектуал ва шахсий мувофиқлик, умумий жиҳатларнинг мавжудлиги, ривожланган коммуникатив уқувлар ва импровизацияга қобилиятларни талаб қилади.

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: икки турли позициядан талабалар қандай қилиб ишончли, тўғри ахборотни ажратиб олишади? Айниқса ушбу савол репродуктив методлар доирасида тайёр бир қийматли ахборотлар олишга ўрганиб қолган талабаларни ўйлантириб қўяди ва аввалига улар бу методни қабул килмасликлари мумкин. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун олиб борувчи (етакчи) ўқитувчи шундай дарсларда талабалар фаолиятини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар бериб, аудиторияни тайёrlаши лозим. Бошланғич инструктаж алгоритми қуидагича бўлиши мумкин:

- 1) шахсланган ахборотни тинглаш;
- 2) параллел ёзиб бориш асосида уларни дафтарга қайд қилиш;
- 3) икки нуқтаи назарни таққослаш;
- 4) шахсий танловни амалга ошириш;
- 5) ўз позициясини аргументалш.

Мулоқотли баён методи икки кишилик маъруза шаклида амалга оширилади.

Шахсга қаратилган баён методи – талабаларнинг шахсий буюртмаларига кўра педагогнинг ўқув материалини монолог баён қилиш методидир. Бундай баённи ташкил қилиш технологияси уч босқичдан иборат: кириш, баён, якун. Кириш босқичи. Педагог мавзуни айтади ва талабалардан 2-3 дақиқа ичida мавзу бўйича оғзаки ёки ёзма саволлар беришни илтимос қилади. Ушу босқичнинг самарали бўлиши талабаларда сухбат предмети тўғрисида ижтимоий тажриба, билим ва тасаввурларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ. Агар билимлар етарли бўлмаса, педагог олдинроқ мавзу бўйича талабаларнинг мустакил ишини ташкил қилиб, уни ҳосил қилиши керак. Агар талабалар саволлар беришмаса, бу уларнинг ушбу предметга муносабатини, курс ёки мавзуга киришганлик даражасини кўрсатади, бундай ҳолатда ўқитувчи ўз ишини саволлар билан такомиллаштириши ва ўрганувчилар билан ҳамкорлик муносабатларини шакллантириши лозим. Мазкур босқичда талабаларнинг фаоллиги саволни шакллантириш ва уни саводхонлик билан беришда намоён бўлади. Амалиёт кўпинча саволлар информацион, далилий характерда бўлмай, балки бирорта номувофиқлик, қарама-қаршиликни, сабаб-оқибат ва ҳ.к. алоқаларини тушунмасликни билдирадиган муаммоли характерда бўлишини кўрсатмоқда.

Ўқув материалини баён қилиш. Педагог 3-4 дақиқа давомида талабаларнинг саволларини мазмун бўйича саралайди ва улар асосида баён режасини тузади. Шундан сўнг мавзу баёни

бошланади. Талабаларнинг фаоллиги шахсга қаратиш ҳисобига таъминланади, чунки талаба ўз саволига жавоб кутади ва шунинг учун педагогни диққат билан эшилади. Бунда педагог мавзуни баён қилиш жараёнида аввал савол берган талабага, сўнг бутун аудиторияга қараб баённи давом эттиради. Бу ҳар бир талабанинг қизиқиши ва эҳтиёжига бўлган хурматни намойиш қиласи.

Яқунловчи босқич. Педагог баён сўнггида талабалардан ўз саволларига олган жавоблардан қай даражада қониқиши ҳосил қилганликларини сўрайди ва ўз навбатида саволларнинг характеристири ва мазмунини баҳолайди, чунки улар ўрганувчиларнинг қизиқишилари, эҳтиёжлари ва билим даражасини акс эттиради. Бу ўқитиша ҳамкорлик муносабатларининг шаклланишига замин яратади, ўрганиш жараёни субъект-субъект муносабатларида амалга оширилади, ўкувчиларни ўз-ўзини фаоллаштиришга ундейди, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва професионализмини такомиллаштиради.

Шахсга қаратилган баён уч хил бўлиши мумкин: кириш баёни, диагностик-тўғриловчи, яқуний.

Шахсга қаратилган кириш баёни методидан одатда мавзу, бўлим ёки курсни ўрганишини бошлаганда фойдаланишади. Унинг мақсади – ўрганувчиларнинг қизиқиши ва эҳтиёжлар доирасини, уларнинг ишга тайёрлик даражасини, ўрганиш предметига муносабатини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари педагог ўкув жараёнида ҳисобга олиши ва фойдаланиши лозим бўлган талабалар моделини, яъни уларнинг нимани кутаётганликлари, имкониятларини билиб олиши мумкин. Айниқса, бу биринчи машғулотларда, талабалар билан биринчи учрашувда жуда муҳим бўлади. Таълимни инсонпарвар-лаштириш ва ижтимоийлаштириш тамойилини қўллаш моҳияти худди мана шундадир.

Шахсга қаратилган диагностик-тўғриловчи баён кўпинча мавзу, бўлим ёки курс баёни ўртасида ишлатилади. Унинг мақсади – ўрганувчиларнинг диққатини ўрганилаётган мазмундаги тугун холатларга қаратиш, педагог томонидан материални ўзлаштириш даражаси, билимларни тизимлашнинг мавжудлиги ҳамда ўқитиши бўйича танлаган иш тизимида тузатиш киритишни аниқлаш асосида тескари алоқани амалга оширишдан иборат.

Шахсга қаратилган яқуний баённинг мақсади ўзлаштирил-ганларни келгуси бўлимларда ривожлантириш истиқболларини аниқлаш, якун ясаш ва ўз ишини баҳолашдан иборатdir. А.А.Вербицкий фикрига кўра ушбу метод навбатдаги ўкув предмети материалларини ўзлаштириш, бўлгуси касбий фаолиятни регуляция қилиш воситаси бўлган назарий билимларни амалда қўллаш истиқболларини аниқлаш мақсадида икки-учта ўқитувчилар томонидан амалга оширилиши лозим. Бундай ёндашув предметлараро алоқани самарали амалга оширишни таъминлайди.

Юқорида айтилганлардан шахсга қаратилган баённинг асосий усууллари қуйидагилар деган хulosани чиқариш мумкин: янгини қабул қилишга тайёрлик даражасини аниқлаш; аудиторияни қизиктирган муаммоларни шакллантириш ва умумлаштириш; ўкув материалини экспромт-режалаштириш; шахсан (маълум талаба ёки гурухга) мўлжалланган ўкув ахбороти; олинган ахборотдан талабаларнинг қониқканлик даражасини аниқлаш; педагог томонидан ўкувчиларнинг ўкув фанига талаблар даражасини аниқлаш; касбий ўқитишнинг истиқболларини аниқлаш.

Шахсга қаратилган баён методи пресс-конференция шаклида амалга оширилади.

Назорат баён методи – бу мавзунинг ўқитувчи томонидан монолог баён қилиниши бўлиб, унда турли характердаги хатолар ўз аксини топади. Муҳими ушбу хатолар типик, касбий фаолиятда кўпроқ учрайдиган, талабалар синов ва имтихонларда йўл қўядиган ва ҳ.к. хатолар бўлиши керак. Касбий таълим амалиётида мазкур методдан фойдаланиш ўрганувчиларда эксперт, оппонент, рецензент қўнималарини ривожлантиришга имкон беради. Ушбу методдан

якуний машғулотларда якуний назорат мақсадида, ёки жорий назорат вақтида олдинги машғулот материалларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни аниқлаш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

Назорат баён методини тайёрлаш ва ўтказиш технологияси учта босқични ўз ичига олади: тайёргарлик, баён, якуний. Тайёргарлик босқичи: Педагог мазмун баёнига олдиндан режалаштирилган маълум сондаги хатоларни киритади. Уларнинг сони ўқув материалининг хусусияти, машғулотнинг дидактик ва тарбиявий вазифаларига боғлиқ бўлади. Хатолар уларнинг мураккаблик даражаларига кўра турлича бўлиши мумкин: юзаки хатолар (талаба уларни топганда ўзига ишончи ва кейинги ишларга қизиқиши ортади) ва жуда яширган (уларни топиш учун чуқур ва мустаҳкам билим керак бўлади). Талабалар томонидан аниқланган саволларнинг мураккаблик даражаси ўқув материалнинг ўзлаштирилиш даражасини баҳолашга ёрдам беради.

Баён қилиш босқичи. Педагог режалаштирилган ишларнинг моҳиятини эслатади, хатоларнинг сонини айтади ва баёнга ўтади. Талабалар диққат билан эшигадилар ва топилган хатоларни варақнинг чап томонига қайд қилиб борадилар. Якуний босқич. Машғулот сўнггида олдиндан режалаштирилган хатолар муҳокама қилинади.

Шундай қилиб, назорат баён методи ўз ичига қўйидаги усувларни олади: ўқув материалига мос келмаслик, сабаб-оқибат алоқалари, мантиқнинг бузилиши ва ҳ.к. ларни киритиш; талабаларга сал хатоликлари бор ахборотларни тақдим қилиш; ахборотни қабул қилишни ташкил қилиш; аниқланган хатоларни ёзма равишда қайд қилиш; иш натижаларини жамоа бўлиб муҳокама қилиш; ўз-ўзини баҳолаш.

Назорат баён методини қўллаш амалиёти ўрганувчиларнинг нафакат олдиндан режалаштирилган, балки ўқитувчи эҳтиётсизлик қилиб, диққати чалғиб қилган хатоларни ҳам топишларини кўрсатмоқда. Оқилона қилинган тузатишларни миннатдорлик билан қабул қилиш керак, бу ўқиши жараёнига, ҳамкорлик қилишга, бир-бирини такомиллаштиришга ижобий муносабатни шакллантиради.

Ушбу методнинг функциялари жуда кенг: назорат қилувчи; тўғриловчи; ўқитувчи; рағбатлантирувчи; тарбияловчи; ривожлантирувчи. Чунки якуний таҳлил доирасида педагог талабаларни назарий тафаккурни ривожлантириш жараёнини таъминлайдиган рефлексив позицияга қўяди,

Эвристик мулоқот методи – бу ўқитиши жараёнини савол-жавоб усулида ташкил этиш бўлиб, унда саволлар муаммоли характерга эга бўлади. Жавоб эса талабаларнинг педагог раҳбарлигига фаол аналитик изланишлари натижаси бўлади. Бу методнинг эвристик сухбат ва муаммо-изланишли сухбат турлари мавжуд. Уларнинг фарқи шундаки, эвристик сухбатда фараз, гипотезалар янги мавзунинг бирорта асосий элементига таалукли бўлади. Муаммо-изланишли сухбатда эса талабалар муаммоллар (муаммоли вазиятлар) сериясини ҳал қилишади. Бу эвристик сухбат битта муаммоли тузилма блокидан иборат бўлиб, унда ўқув фаолият қуйидаги схема бўйича ривожланиб боришини билдиради:

- муаммоли вазиятни ташкил этиш (педагог);
- гипотезаларни илгари суриш (талабалар);
- асослаш ва исботлаш (педагог талабалар билан ҳамкорликда - жамоавий иш)
- хулюса (педагог ёки талаба – талабаларнинг тайёргарлик ва ривожланганлик даражасига кўра ).

Муаммо-изланишли сұхбат усули одатда қатор муаммоли тузилған блоклардан ташкил топади ва кетма-кет типдаги полиструктурадан иборат бўлади. Бу ерда кетма-кет келувчи ва ўзаро боғланган муаммоли саволлар серияси (гипотеза, исбот, хулоса) курилади. Ушбу метод доирасида ўқув фаолият қуйидаги схема бўйича ривожланади:

- муаммоли вазиятни ҳосил қилиш (ўқитувчи);
- фаразларни илгари суриш (ўрганувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида);
- асослаш ва исботлаш (ўрганувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида);
- хулоса (ўрганувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида);
- биринчи хулосанинг оқибати (натижаси) сифатида юзага келган муаммоли вазиятни ташкил этиш;
- фаразларни илгари суриш (ўрганувчилар) ва х.к.

Эвристик сұхбатга мос бўлган усуллар қуйидагилар: гипотезаларни илгари суриш, аргумент излаш, йўналтирувчи саволлар бериш, муаммо яширинган бўғинларни излаш, асосий масалаларни ечишга олиб борадиган хусусий масалаларни аниқлаш; муҳокамаларда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни излаш, конкрет кузатишни ташкил қилиш, муаммоли тажриба ёки намойиш, умумлаштириш.

Эвристик ва муаммо-изланишли сұхбатлар ўрганувчиларни мустақил ўқув-ўрганиш фаолиятига жалб қилиш даражаси бўйича иккинчи даражали муаммоликка мос келади.

Ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш методи. Ушбу метод талабанинг ўқув фаолиятини онгли режалаштириш ва ташкил қилиш усулидан иборат. У ўрганувчига ходиса, жараённинг ташқи белгилари, холатлари, шароитларига кўра ички характеристини тасаввур қилиш ва мақсадга мувофиқ бўлган ечим қабул қилишга имкон беради. Ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш методи қуйидаги усулларни ўз ичига олади: предмет, ходиса, шартларни уларнинг қисмлари, элементлари, томонлари, хоссалари, характеристикалари, параметрларининг таркибини аниқлаш; ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва оптималь қарор қабул қилиш. ва х.к мақсадида фикран қисмларга ажратиш. Шубҳасиз, ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш методи усуллари реестрига муаммоли ўқитиш усуллари ҳам киради. Ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш методи қуйидаги имкониятларни беради:

- тафаккурнинг синтез, умумлаштириш, таққослаш, абстракциялаш каби функцияларини ривожлантириш;
- талабанинг ҳаётий ижодиётга фаол тайёргарлигини шакллантириш;
- амалларнинг ақлий схемаларини моделлаштириш.

Методни амалда қўллаш шакли эса ишлаб чиқариш масаласидир. У қурилмаларни автоматлаштириш учун дастурлар ишлаб чиқиши; ишлаб чиқариш ишлари параметрларини аниқлаш; технологик жараёнларни лойиҳалаш бўйича комплекс сифатида бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш масалалари икки турга бўлинади: ишлаб чиқариш-техник ва ишлаб чиқариш-технологик. Ишлаб чиқариш-техник масалаларни ечиш талабаларда ишлаб чиқариш, касбий, ташкилий-бошқарув фаолиятда технологик маданиятни шакллантириш методикасида энг муҳим ўрин тутади.

Ишлаб чиқариш-технологик турдаги масалалар қурилмаларни бошқариш дастурларини ишлаб чиқиши ва уларни синовдан ўтказиш; ишлаб чиқариш ишларининг режим ва параметрларини танлаш; технологик жараёнларни лойихалаш, қуриш, йиғиши; рационал бўлган ишлаб чиқариш технологияларни қуриш ва танлаш билан боғлик бўлади.

Тадқиқот методи – бу амалий ва экспериментал характердаги мустақил ўқув-билиш фаолиятидир. Бунда талаба муаммони ўзи шакллантиради, мавжуд қарама-қаршиликларни англаб, уларни ечиш учун фаразларни ўртага ташлайди ва уларни ечишга ҳаракат қиласди. Ўрганувчиларнинг мустақил билиш фаолиятига киришганлик даражасига кўра ушбу метод муаммоликнинг учинчи даражасига мос келади. Тадқиқот методининг икки кўриниши мавжуд:

1) муаммо-изланишли машқлар, 2) тажриба.

Муаммо-изланишли машқлар педагог томонидан берилган назарий ва амалий масалаларни ечишни кўзда тутади. Уни методик тадбиқ қилиш усуслари қўйдагилар:

- стандарт бўлмаган масалалар тузиш;
- муаммони қўйиши;
- берилган маълумотларни таҳлил қилиш;
- ҳодиса, жараённинг моҳияти ва рўй бериш механизмини аниқлаш;
- олинган билимларни аниқ, стандарт бўлмаган вазиятга кўчириш, обьектни қўрсатмаларсиз тавсифлаш.

Тажриба методидан лаборатория-тадқиқот ишларида фойдаланилади, уларни бажариш асосида янги шартлар, қонунлар, назариялар очилади. Тажрибани назарияни ўрганишдан олдин ўтказиш керак, бу талабаларда кашфиёт қилиш, биринчи бўлиш ҳиссини уйғотади. Шу тариқа олинган билимлар ўзининг мустаҳкамлиги, чукурлиги билан ажralиб туради. Бу методни қўллаш педагог ва талабадан юқори касбий маҳорат, катта энергетик даврий харажатлар талаб қиласди. Методни муваффақиятли қўллаш қўйидаги усуслардан фойдаланишга боғлик: шахсий амалий кузатишлар асосида мустақил умумлаштириш, назорат саволлар (Агар шароит, параметрлар ... . ўзgartирилса нима бўлади?, Нима бўлади, агар ...? ва ҳ.к) билан қатор тажрибалар ўтказиш, олинган маълумотларни уларни қўллаш чегаралари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, олинган натижаларнинг ишончлилик даражасини аниқлаш, тажриба дастурини тузиш, тажриба ўтказиш учун мустақил равишда жиҳозлар танлаш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқот методи қуйидагиларни ўз ичига олган материалларни ўрганишда яхши самара беради: сабаб-оқибат алоқаларини; бутунлай янги бўлмай, балки аввал ўрганилганларнинг мантиқий давоми бўлган; мустақил изланиш учун имкон берадиган; асосида ушбу соҳа илмининг ғоя, қонунлари ва назарияси ётган; умумлаштирувчи характеристерга эга бўлган.

Ақлий хужум методи. У бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Бу метод орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. «Ақлий хужум» методи принципи жуда содда: сиз бир гуруҳ иштирокчиларни тўплайсиз ва уларга бирор муаммоли вазиятни ечиш буйича ўз ечимларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўрайсиз. Мазкур босқичда иштирокчилар бошқа қатнашувчиларнинг ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас.

«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, хатто улар бўлмағур бўлса ҳам, ҳисобга олинади.
3. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши.
4. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.
5. Ғоя ва фикрларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.

Ушбу метод ижодга йўл очиб, касбий таълимда зарур бўлган креатив тафаккурнинг шаклланишига ёрдам беради.

Ўқитиш методини танлаш

Методларнинг хилма-хиллиги педагогларни танлаш вазиятига қўяди. Конкрем ўқитиш шароитларида қандай метод ва унинг бошқа усул ва усувлар билан бирикмасини қўллаш керак? Бу нимага боғлиқ?

Ўқитишнинг у ёки бу методини танлашда ўқитувчи ҳар гал кўплаб омилларни ҳисобга олиши зарур бўлади. Улардан баъзиларини санаб ўтамиш:

ўқитиш тамойиллари;

ўқув материалининг мазмуни, унинг ҳажми ва мураккаблик даражаси;

талабаларнинг ривожланиш даражаси ва уларнинг янги билимларни қабул қилишга тайёрликлари;

талабаларнинг ишчанлик қобилияти ва ўқувчанлиги;

умум уқув ва кўникмаларнинг шаклланганлиги;

ўқитиш жараёнининг вақт оралиқлари;

аввалги дарсларда қўлланилган методлар;

ўқитишнинг конкрет моддий-техник шароитлари;

режалаштирилаётган машғулотнинг типологияси;

педагог фаолиятини ташкил қилишнинг устувор стили;

ўқитувчининг касбий маҳорати ва тайёрлиги.

Шунча хилма-хил омилларни ҳисобга олиб, методни қандай қилиб танлаш мумкин? Ушбу муолажани яхшироқ қилиш учун кўп ўлчовли жадвал қуриш лозим бўлади. Унинг бир ўқида барча маълум бўлган ўқитиш методлари, бошқасида эса – уларни танлашга таъсир қиласиган омиллар.

У ёки бу методнинг реал ўқув вазиятига мослигини маълум даражада аниқлашга имкон берадиган қуйидаги мантиқий занжирдан фойдаланиш мумкин.

Фараз қилайлик, ўқитиш мақсади – янги ўқув материалини англаш ва қайта ишлаш даражасида ўзлаштиришдан иборат бўлсин. Бу ҳолда тушунтирув - кўргазмали баён, образли-ассоциатив баён, кургазмали ва намойиш методлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ ўрганувчиларда ўқишига мотивация йўқ. Ушбу муаммони муаммоли ўқитиш методлари ҳал қилади, айниқса, материал ҳажми унча катта бўлмай, вақт етарлича бўлса. Бироқ талабаларнинг ривожланиш даражаси қўйилган мақсадларга эришишда муаммоли ўқитишни қўллашни қийинлаштириб қўяди. Демак, улардан воз кечиш керак. Талабаларнинг ишчанлик даражаси ўртача, демак, тушунтирув-кургазмали баёндан фойдаланиш яхшироқ бўлади. Умум уқув ва кўникмалар шаклланганлиги яхши, айниқса талабалар китоб билан ишлашни билишади, демак, информатив матнларни ўқиш усули фойдали бўлади. Вақт чегаралари – битта машғулот ҳажми катта бўлган материални ўрганиш учун етарли эмас, демак, тушунтирув-кургазмали ёки образли-ассоциатив баёндан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Ўқитувчи шундай тарзда фикр-мулоҳаза юритиб, тарозига солиб, оптимал методни танлайди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.И.Кругликов. Методика профессионального обучения с практикумом. Учеб. пособие для студ. высш.учеб. заведений - М.: Академия, 2005, - 288 с.
2. И.Ф.Харlamов. Педагогика. Минск, 2002.
3. В.И.Загвязинский. Теория обучения. Современная интерпретация. - М.: Академия, 2001.
4. Выготский Л.С. Собрание сочинений.: В.6 - М., 1983.-Т.1.
5. Возрастная и педагогическая психология.: Хрестоматия. Дубровина И.В., Прихожан А.М. - М.: Академия, 1998.
6. Венгер Л.А. Психология. - М.: Просвещение, 1988.
7. Возрастная и педагогическая психология. - М.: Академия, 1999.
8. Загвязинский В.И. Методология и методы психолого-педагогического исследования. - М.: Академия, 2001.
9. Кулюткин Ю.Н. Личностные факторы развития познавательной активности учащихся в процессе обучения., ж. «Вопросы психологии»., 1985, №5, с. 41-44.
10. Матюшкин А.М. Психологическая структура познавательной активности., ж. Вопросы психологии»., 1986, №4, с .5-16.
11. Петровский А.В. Психология. – М.: Академия, 2000.

12. Пидкастый П.И. Педагогика. Учеб. пособ. – М., 2001.
13. Платонов К.К. Место активности в общей структуре личности и ее особенности. – Курск, 1968.
14. Подласый И.П. Педагогика. – М., 2002.
15. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М., 1998.
16. Сухомлинский В.А. Избранные педагогические сочинения.: В 3т. – т. 2, М., 1980.
17. Смирнов А.А. Проблемы психологии памяти. М., 1986.
18. Фридман Л.М. Психологический справочник учителя. – М.: Просвещение, 1991.
19. Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности учащихся в учебном процессе. – М., 1988.
18. Древелов Х. Домашние задания.: Пер. с нем. Кабановой Н.С. – М.: просвещение, 1989.

## М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ . . . . .	
3	
Касбий таълим методлари. . . . .	
5	
Ўқитишининг репродуктив методлари. . . . .	
6	
Информацион-рецептив методлар. . . . .	
6	
Тушунтирув-кургазмали баён . . . . .	
7	
Образли-ассоциатив баён. . . . .	
7	
Намойиш ва кургазмали методлар . . . . .	
8	
Информатив матнларни ўқиши. . . . .	
8	
Ўқитишининг инструктив - репродуктив методлари . . . . .	
9	
Типик ишлаб чиқариш вазиятлари методи. . . . .	

Инструктаж . . . . .	10
Репродуктив муроқот . . . . .	12
Лаборатория-амалий метод . . . . .	13
Ўқитишинг продуктив методлари . . . . .	13
Муаммоли баён методи . . . . .	13
Муроқотли баён методи . . . . .	14
Шахсга қаратилган баён методи . . . . .	16
Назорат баён методи . . . . .	18
Эвристик муроқот методи . . . . .	19
Ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш методи . . . . .	20
Тадқиқот методи . . . . .	21
Ақлий хужум методи . . . . .	22
Ўқитиши методини танлаш . . . . .	23
Фойдаланилган адабиётлар . . . . .	25
<b>МУНДАРИЖА . . . . .</b>	<b>26</b>

